

**Мадаминава Наргиза Зухридиновна,**  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университети  
таянч докторанти

## ДИНИЙЛИК ВА ДУНЁВИЛИК КОНВЕРГЕНЦИЯСИ

### ***МАДАМИНОВА Н.З. ДИНИЙЛИК ВА ДУНЁВИЛИК КОНВЕРГЕНЦИЯСИ***

Муаллиф ўз мақоласида бугунги кунда долзарб аҳамият касб этган диншунослик фанини ўқитишда динийлик ва дунёвийлик конвергенциясининг аҳамияти ҳамда ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти хусусидаги фикрларни илмий асослайди.

Таянч сўз ва тушунчалар: илм-фан, таълим, тарбия, динийлик, дунёвийлик, конвергенция, диний билим, дунёвий билим, дунёқараш, тафаккур, ахлоқ.

### ***МАДАМИНОВА Н.З. КОНВЕРГЕНЦИЯ СВЕТСКОГО И РЕЛИГИОЗНОГО МИРОВОЗРЕНИЙ***

В статье автор научно обосновывает значение конвергенции религиозного и светского мировоззрений в преподавании актуальной в настоящее время дисциплины "Религиоведение", а также высказывает мнения о сущности этих понятий.

Ключевые слова и понятия: наука, образование, воспитание, религиозность, светское, конвергенция, религиозные знания, светские знания, мировоззрение, мышление, мораль.

### ***MADAMINOVA N.Z. THE CONVERGENCE OF SECULAR AND RELIGIOUS VIEWS***

The author scientifically grounds the value of religious and secular views convergence in teaching of very actual presently "Religious Studies» discipline, and also offers opinions of essence of these concepts.

Keywords: science, education, religiousness, society, convergence, religious knowledge, society knowledge, worldview, thinking, moral.

**Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш сари босқичма-босқич дадил одимлаётган бугунги кунда бир томондан сиёсий етук ёшларни тарбиялаш, иккинчи томондан эса улар онги шуурида миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқликни сақлаб қолиш, бир сўз билан айтганда ақли етук, руҳи тетик, маънан соғлом, ижтимоий фаол авлодни камол топтириш муҳим аҳамият касб этади.**

Глобаллашув жараёнинг мураккаб жиҳатларининг барча халқлар дунёқараши ва тараққиётига таъсири кучайиб бориши ва эртанги кун тараққиётини белгилаб берувчи авангард куч ёшлар масаласи борасида мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг долзарб вазифалардан биридир”<sup>1</sup> деган фикрни билдирар эканлар, айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан эканлигини таъкидлайдилар.

Мазкур долзарб вазифаларни ҳал этишда ижтимоий соҳа фан вакилларининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Ижтимоий фан соҳа вакиллари томонидан диний таълим муаммосининг назарий-методологик жиҳатлари ҳозиргача атрофлича тадқиқ этилмай келмоқда. Бу албатта, мамлакатимиз диншунослик олимлари олдида турган муҳим вазифадир. Шунинг учун ҳам биз ушбу соҳада тадқиқот олиб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Тадқиқот ишимизнинг мавзуси “Педагогика олий таълим муассасаларида диншунослик фанини ўқитишни такомиллаштириш технологиялари” деб номланади. 2015 йилдан ушбу мавзу доирасида илмий изланишлар олиб бормоқда.

**Тадқиқотнинг объекти** - педагогика олий таълим муассасаларида диншунослик фанини ўқитиш технологияларини такомиллаштириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** - педагогика олий таълим муассасаларида диншунослик фанини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг услубий –ташкилий парадигмалари ва механизмлари.

XIX асрда жаҳон миқёсида билим олиш, ўқиб изланишга нисбатан эътибор кучайди, фанлар тармоғини кенгайиб, технологик ва экзистенциал ёндашувдан универсал билимларни турлари вужудга келди. Жараёндаги интеграциялашув, оптималлаштириш, унификациялашга қарамасдан, билимларни ўзлаштиришни мавжуд шакли, фалсафий моҳиятига кўра, илмий, ақлий ва ҳиссий билиш шакллари сақланиб қолди.

Инсоният эволюциясида кашф қилинган энг буюк ихтиро ҳеч шубҳасиз, билим ва унинг манбаи бўлган китоб туфайли, асрлар оша башарият қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлса, албатта, бунинг замирида билимга бўлган меҳр ва китоб мутолаасига иштиёқ мужассамлашган. Китоб мутолааси, билим олиш инсонни комиллик ва камолат сари етаклаб, инсон тафаккур хазинасини бойитиб, зеҳнини ўткир қилиб, мушоҳадасини теран қилувчи муҳим воситадир. Буюк тарих қатламида не-не сиру-синоатлар яширин бўлса, унга калитни билимдан топиш мумкин.

Илм (арабча علم - билим, фан, назария) ўқиш-ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил этиш туфайлигина билим олиш, уни кўникмага айлантиришдан маълумотлар базасига эга бўлиш. Агар сўзнинг этимологик асосига таянадиган бўлсак, илм – бу ўқиб ўрганиш, фикр юритиш ва таҳлил қилиш жараёни бўлиб, демак, инсон бутун онгли умри давомида ўқиб ўрганиши, тадқиқ ва таҳлил қилиши лозим бўлади.

Фан тушунчаси эса (арабча نَف санъат, маҳорат, эркин касб, илм, билим ва тармоқ) табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда ўзи эришган натижалар билан атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизими. Демак, илм-фан бизни ўраб турган дунёдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг ички сабаб-оқибатини узвий алоқадорликларини ифодалаб, табиат

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - Б. 88-89.

ва жамиятнинг тараққий этишига таъсир кўрсатувчи янги билимларни шакллантиради.

Таълим (арабча *تَعْلِيمٌ* ўргатиш, ўқитиш, илм бериш ва маълумот) тушунчасига эса кенг қамровли тарзда тўртта изоҳ берилган. Биринчидан, билим олиш ва бериш жараёни инсонда малака ва кўникмаларни ҳосил қилишдан, инсонни ҳаётда меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, илм-фан ёки касб-ҳунар соҳасида эгалланадиган ва олинадиган маълумотлар кўникмаси, билим юзага келади. Учинчидан, тарбия ва одоб-ахлоқ тизими ўрганиш туфайли шаклланади. Тўртинчидан, кўрсатма ва йўл-йўриқ бериш ҳам ўргатиш бўлиб, ўргатувчини билим кўникмаси мустаҳкамланади<sup>1</sup>.

Жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшувчи баркамол шахсни тарбиялашда зарур бўлган маънавий ва ахлоқий фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Зеро, маънавий тарбиянинг замини билим бўлиб, билим борлиқни идеал образи сифатида намоён бўлади.

Динийлик ва дунёвийлик конвергенциясига тўхталишдан олдин динийлик ва дунёвийлик тушунчаларига изоҳ берадиган бўлсак, динийлик – динга оид, динга алоқадор бўлган, руҳониятга тегишли деган маъноларни беради. Дунёвийлик эса – (бутун жаҳонга, реал ҳаётга) Реал, моддий дунёга, ҳаётга оид, ҳаётий деган маъноларни билдиради<sup>2</sup>.

“Конвергенция - (konvergo-лотинча) яқинлик жараёнида бирлашишдан келишув ва янгиланиш вужудга келиши маъносини билдиради. Дастлаб, бу тушунча биология фанида табиий организмларни ноаниқ систематик гуруҳлари ўртасида эволюцион ўхшашлик мавжудлиги маъносида қўлланилган бўлиб, ижтимоий-гуманитар фанларда эса, инсоният эволюциясида яқинлик ва ўхшашлик мавжудлиги маъноси сифатида қўлланилади”<sup>3</sup>.

Диншуносликни ўқитишда динийлик ва дунёвийлик конвергенцияси дунёвий илм-фан, тарих, фалсафа, социология ва маданиятшунослик каби гуманитар фанларга диний ман-

балар билан узвий (интеграцияси)ликда ёндашиш янги бир илмий маълумотларни юзага келишига асос бўлади.

Динийлик ва дунёвийлик муаммоси қадимги мутафаккир ва диний уламолар томонидан бир-бирига зид ва инкор этувчи, қарама-қарши тамойил ва аспект, дуалистик таълимот сифатида қаралган ва ҳозирда ҳам ушбу қараш мавжуд. Ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан диншунослик фанини ўқитишда диний, дунёвий, маънавий ва ахлоқий билимлар мажмуи шахсда билим олиш кўникмасини ҳосил қилишнинг зарурий компонентларидан бири. Шунингдек, ўқитиш методи, тарбия услуб ва воситаларидир.

Жумладан, динийлик тушунчасига кўра, абдий дунё мавжуд ва диндорлар боқий (реал) дунёдаги ҳаётини абдий дунёга ўтиш йўлидаги бир восита деб билади. Илм оламида эса бу каби ишонч ва қараш туйғусига ғайритабиий ҳодиса сифатида қараб, мавжудликни асоси бўлган бу реал дунёни фанни объекти сифатида қаралади. Моддий оламни ўрганиш, уни ўзгартиришга бўлган ҳаракат деб баҳоланади. Диндорлар эса “Оламни Аллоҳ яратган, унинг сир-асрорлари унгагина аён, уни ўзгартиришга бўлган ҳаракат шаккоклик” деб қарашади, бу аслида ақидапарастликдан ўзга нарса эмас.

“Динийлик” ва “дунёвийлик” тушунчаси ўртасидаги қарама-қаршилик мутлоқ йўқолмайди, илгариги даврларда илмий ва диний, дунёвий ва динийликнинг асосий тамойиллари ўзаро зид бўлиб, қарама-қаршилик кураши ҳозирда ҳам айрим масалаларда турлича, яъни очиқ ва яширин тарзда давом этмоқда. Ушбу фикр диний ва дунёвийликнинг радикал кўриниши бўлмиш ақидапарастлик ва атеизмга нисбатан тўғри бўлиши мумкин, аммо том маънода эмас. Чунки асрлар давомида оламнинг дунёвий (тарихий, социал-фалсафий ва психологик) манзараси баъзи динларнинг борлиқ (онтология) ҳақидаги тасаввурларига асос бўлиб хизмат қилган, диний китоблардаги маълумот (теологик)лар дунёвий билимларнинг ривожига ҳисса қўшган”<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбек тили изоҳли луғати, IV том. - Т.: 2006. - Б. 592,-608, 692.

<sup>2</sup> Қаранг. А.Мадалиев таҳрири остида Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2006.-623-644-бетлар.

<sup>3</sup> www. Vikipidiya.Ru Толковый словарь по социологии.

<sup>4</sup> Дунёвийлик ва динийлик: Бобоев А. Ҳозирги даврда динийлик ва дунёвийликнинг ўзаро муносабати ҳақида. // Дунёвийлик фалсафаси. мақолалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2007. - б. 119.

Глобаллашув шароитида диний таълимга бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Чунки ҳозирда дин ниқоби остидаги ғаразли мақсадлар йўлидаги хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, соғлом диний маърифатни ривожлантиришни тақозо этади. Ўз навбатида, диний маърифат диний таълим орқали амалга ошади. Албатта, таълим-тарбия - онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Ушбу муаммони ҳал этишда Диншунослик фанининг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимиздан сўнг Республикамизда Диншунослик фани бир қанча ижтимоий фанлар қаторида ўқитила бошланди.

Диншунослик фани республикамизнинг барча олий таълим муассасаларида 18 соат маъруза 18 соат семинар машғулоти ҳажмида ўқитилади. Жумладан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳам. Ушбу олий таълим муассасасида мазкур фанни ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августига 303-сонли буйруғига асосан 110000 – Педагогика таълим соҳасининг давлат таълим стандарти талабларида белгиланган.

Диншунослик фанини ўқитишдан мақсад талабаларга диннинг келиб чиқиши, эволюцияси, ҳозирги даврдаги ҳолати, инсоният ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий илмий тушунчалар беришдан иборат.

Бундан ташқари, диншунослик фанини ўқитиш талабаларда ибтидоий динлардан тортиб яҳудийлик, ҳиндуийлик, конфуцийчилик, синтоизм, жайнизм, сикхизм каби миллий динлар ҳамда буддавийлик, христианлик, ислом каби жаҳон динлари ҳақида тушунча ва тасаввурларга эга бўишларига, ҳар бир дин инсонни ёмон амаллардан сақланиб, фақат яхши амалларни бажаришликка, илм олишликка даъват этиши ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантиради.

Диншунослик фанидан таълим берувчи педагог таълимни самарали ташкил этиши ва кафотлатланган натижага эришиш учун

қуйидаги вазифаларни амалга ошириши зарур бўлади:

- аввало, талабаларда динийлик ва дунёвийлик тушунчаси тўғрисида холис, адолатли ва тўғри дунёқарашни шакллантириш;
- талабада дин тўғрисида мустақил ва мантиқий фикрлашни юзага келтириш;
- машғулот жараёнида олган билимларини конкрет воқеа ва ҳодисаларга нисбатан қиёслаш ва таҳлил қилиш;
- талаба онгли равишда ўз шахсий фикрига эга бўлишини таъминлай олиш.

Диншунослик фанини ўқитиш талаба ёшлар эътиқоди, дунёқараши, биоэмоционал руҳияти ва турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ масала бўлгани боис фанни ўқитишга ўзига хос педагогик ёндашувни талаб қилади. Бир қатор олимлар таъкидлашча, “таълим бериш жараёнида фанга чуқур илмийлик, тарихийлик ва холислик билан ёндашиш ва талабаларнинг диний онг даражасини ҳисобга олиш, уларнинг диний ҳис-туйғуларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш”<sup>1</sup>ни тақозо этади.

Мустақилликни дастлабки йилларида диншунослик фанидан яратилган дарсликларда “фанга чуқур илмийлик, тарихийлик ва холислик билан ёндашиш” талаби қўйилган, аммо, бу бир томонлама, яъни дунёвий илм-фан нуқтаи назаридан ёндашишни талаб этади. Диншунослик фанини ўқитишда диний ва дунёвий жиҳатидан қиёсий ўрганиш шахсда ҳар жиҳатдан тафаккур ва тасаввурини шакллантириб, бойитишга асос бўлади. Ўрганилаётган мавзуга оид янги илмий ва теологик манбалардан фойдаланиш, ўқув материалларини мазмунан бойитади. Машғулот жараёнида динийлик ва дунёвийлик жиҳатидан ёндашув ўқитиш тизимига самарали таъсир кўрсатувчи интерфаол методларни тадбиқ этиш, талабада ўқиб-ўрганиш тафаккурини чархлаб, унда ҳозиржавобликни фаоллаштиради.

Кўп асрлар мобайнида халқимизга ҳаётнинг маъно-мазмунини англаши, унга нисбатан эъзоз туйғусини қалбидан чуқур жой олиши, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда диннинг ўрни юксак бўлган.

Диншунослик фанини ўқитишни такомиллаштиришда аввало, ижтимоий-гуманитар фанлар яъни, тарих, фалсафа, маданиятшунос-

<sup>1</sup> Мўминов А. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик. - Т.: “Меҳнат”, 2002, - Б. 6.

лик, тилшунослик ва социология каби фанларни диншунослик фани билан узвий (интеграция)лигида чуқур ўрганиш, талаба-ёшларни диншунослика доир билим ва тафаккурини бойитади.

Диншунослик фанида ўқитилаётган мавзуга нисбатан диний билим, эътиқод манбаи бўла оладими, деган саволга Ислом дини мисолида жавоб излаб кўрмоқчимиз.

Ислом динида суннат – пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) томонидан бажарилган амал бўлиб, уни бажариш ихтиёрий, бажарган шахс қўшимча савоб (ажир)га нозил бўлади. Фарз эса, адо этилиши шарт деб белгиланган амал бўлиб, билим олишда ҳам дунёвий ва диний билим олиш назарда тutilган.

“Гарчи чинда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм олишга интилиш ҳар бир мўмин учун фарздир”<sup>1</sup> деган ҳадисда ҳам барча инсонларнинг билим олиши фарз амаллардан эканлиги уқтирилади.

Илму толиб билим берувчининг диний эътиқодига тобе бўлмай, ундан фақатгина билим ўрганиши толибни эътиқодда собитлигини синовдан ўтказида. Билим берувчи ҳам ўз билим олувчисини диний эътиқодига даҳл қилмаслик, билимни беғараз беришлик муқаддас китобларда эътироф этилган.

Ислом таълимотига биноан билим ҳақиқий эътиқоднинг зарурий шартидир. Билим ўрта аср мусулмон цивилизациясининг устувор қадриятидир. Мусулмонлар билимга ўз воқелиklarининг олий қадрият сифатида муносабат билдирганлар, чунки у мусулмонлар маънавий ҳаётининг барча томонларида, уларнинг сиёсий ва диний фаолиятида, оддий мусулмоннинг кундалик ҳаётида ҳам ўз ифодасини топди. “Муҳаммаднинг “билим” концепцияси исломнинг маънавий ҳаётини унинг асосий ўзгармас ўзанига йўналтирди”<sup>2</sup>.

Қуръони Каримда “Илм” сўзи асосида “Алима” – билмоқ феъл негизига таянган калималар 750 маротаба учраши илмий тадқиқотларда қайд этилган<sup>3</sup>. Ислом таълимоти

<sup>1</sup> Абдусамедов А. Диншунослик. Ўқув қўлланма. - Т.: ЎзМУ, 2008. - Б. 151.

<sup>2</sup> Роузентал Ф. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе. - М.: “Наука”, 1978. – 37 б. (Таржима мақола муаллифи томонидан бажарилган)

<sup>3</sup> Ўтамуратов С. ва бошқалар. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: “Халқ мероси”, 2002. – Б. 96.

ҳар доим инсонни ўқиб-ўрганишга, дунёни илм орқали англаб етишга тарғиб қилади. Билим ёлғизликда дўст, яккаланиб қолганда – улфатдир. Ҳар қандай шароитда билим йўл кўрсатувчи юлдуз, дўстлар орасида фахр, бегоналар ичида ўзиники. Билим орттириш ҳар бир мусулмоннинг дин билан боғлиқ масъулиятидир. Бунга Муҳаммад пайғамбарнинг: “Илмни Чинда бўлса ҳам бориб ўрганинглар” деган даъвати асос бўлди. Билим орттириш, уни излаш жаннатга йўл очиб беради. Абу Мансур ал-Мотуридий илмга қуйидагича таъриф беради: “...илм шундай сифатки, илм эгаси бўлган зот унга тажалли қилади (ўша сифат орқали намоён бўлади)”<sup>4</sup>. Шунинг учун ҳам билим мусулмон маданиятининг энг олий қадриятларидан бири ҳисобланади. Юқорида келтирилган фикрлар ўрта аср мусулмон маданиятининг инсоният маънавий ва илмий ривожланишига қўшган бебаҳо ҳиссасининг энг муҳим, асосий негизларидан биридир.

“Билим” концепцияси мусулмон маданиятининг илоҳиёт ва илм-фан соҳаларидаги ютуқлари асосли эканлигини ўша даврда илоҳий ва илмий билимларнинг ривожидан намоён этади. “Ҳар ким илм талабида йўлга чиқса, Худованд унга жаннатга йўл очади. Ёки “Эҳсонларнинг энг мақбули мусулмон кишининг билим олиши ва мусулмон биродарига илм ўргатишидир”, - дейдилар Набий алайҳиссалом. Бу ҳадиси шарифни эса Али ибни Абутолиб, Ҳусайн ибн Ос, Ибн Умар, Ибн Маъсуд ва Абу Саид ҳазратлари Аллоҳ улардан рози бўлсин, ривоят қилганларки, Пайғамбар (с.а.в.) “Мен илм фазилатини ибодат фазилатидан ҳам ортиқ кўраман”, - деб айтган эканлар”<sup>5</sup>.

Дунёвий ва диний қарашлар бир-бирини бойитиб борсагина тараққиёт юксалади. Бунга IX-XII асрларда нафақат Марказий Осиё маданияти ривожига балки, бутун бир жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Форобий, Ибн Сино, ат-Термизий, ал-Бухорий каби бир қанча олиму фузалолар яшаб ижод этган давр мисол бўла олади.

<sup>4</sup> Бойназарова А.Б. Ислом фалсафасида диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги масаласи. Фалс. фан. ном. ... дисс. автореф. - Т.: Тошкент ислом университети, 2009. - 13-бет.

<sup>5</sup> Фитрат. Нажот йўли. - Т.: “Халқ мероси”, 2001. – 87 бет.

Ўрта асрларда мусулмон халқлари тафак-  
курининг ривожланиши аввало, икки асосий  
йўналишда: диний илмлар (улум нақлийа) ва  
дунёвий илмларнинг (улум ақлийа) шакла-  
нишида ўз аксини топади. Ғарб шарқшуноси  
У.К. Читтик Шарқ алломаси Жалолоддин  
Румий қарашлари ҳақида гапириб, бу сўфий-  
мутафаккир билимларни икки турга бўлади,  
дейди. Биринчиси учун фақат шакл мавжуд,  
иккинчиси шакл ортидаги маънони кўради.  
Биринчиси баъзан “баданга оид билим” (*илми  
абдон*), иккинчиси “диний билим” (*илми адъян*)  
деб аталади. Илми абдонга ҳозирги замонда  
биз “фанлар”, “билимлар” тушунчаси таркибига  
киритадиган нарсалар, яъни барча тизимли  
равишда ўрганишни, ёдлашни талаб қилувчи  
нарсалар, шу жумладан илоҳиёт ва метафизика  
ҳам кириб кетади. Бу билимлар инсон қалбида  
ҳақиқий маъно ёки Худонинг Ўзини кўриш  
натижасига айланмагунча, нур (яъни натижа,  
фойда берувчи билим) бўлолмайди. Бевосита  
маънони англашсиз билим фақат шакл бўлиб  
қолаверади. Албатта, уни ҳақиқий билимга  
айлантириш имкони мавжуд, лекин бунинг  
учун узоқ вақт давомида руҳий машқлар  
қилиш зарур<sup>1</sup>.

Дин билим ва эътиқод манбаи бўла ола-  
дими, деган саволга юқоридагилардан келиб  
чиққан ҳолда, дин талаба-ёшларга илм-  
маърифат, тарбия ва ибрат намунаси экан  
деган хулосага келдик. Аммо, илм ўрганишга

фақатгина Ислом динигина хайрихоқ десак  
ҳақиқатдан бўлмас, Насронийлик, Яҳудийлик  
ва Буддизм каби динларда ҳам билимга нис-  
батан бағрикенг ва хайрихоқ муносабатда  
бўлинади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки,  
диний таълим –диний билим, қадрият, ҳаёт ва  
дунёни тушуниш тарзини малакали педаго-  
глар томонидан ўқувчиларга тизимли равишда  
етказишга қаратилган фаолиятни ифода этади.  
Диний таълим жараёнини алоҳида эмас, балки  
диний билимларни тарқатишга боғлиқ бўлган  
диний маърифат, диншунослик таълими билан  
узвий боғлиқ феномен сифатида тушунтириш  
зарур.

Чунки, диний ва дунёвий қадриятлар  
уйғунлигидаги меъёрларнинг бузилиши диний  
ва дунёвий қадриятларнинг қадрсизланишига,  
яъни одамларнинг ахлоқий ва аксиологик  
жиҳатдан таназзулга учрашга олиб келади.  
Ёшлар ҳар маънода навниҳол кабидир. Уни  
қай томонга эгсалар, шунга мойил бўлиб ўсади.  
Ниҳолга яхши парвариш керак, совуқлардан  
асраш, новдаси эгилса, унга тиргак қўйиб,  
ўзини тутиб олишига кўмаклашиш зарур. Онгли  
инсонни ҳам камолотга етказишда уни ёмон-  
ликлардан ҳимоялаб, яхшиликка йўналтирувчи  
инсонлар даркор. Бу ишда ота-она, устоз  
мураббийнинг масъулияти ва ҳамкорлигини  
янада кучайтириш керак.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - Б. 88-89.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбек тили изоҳли луғати, IV том. - Т.: 2006. - Б. 592,-608, 692.
3. Қаранг. А.Мадалиев таҳрири остида Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 2006.-623-644-бетлар.
4. www.Vikipidiya.Ru Толковый словарь по социологии.
5. Дунёвийлик ва динийлик: Бобоев А. Ҳозирги даврда динийлик ва дунёвийлик-нинг ўзаро муносабати ҳақида. // Дунёвийлик фалсафаси. мақолалар тўплами. - Т.: ТДИУ, 2007. - б. 119.
6. Саликов Р.А., Калядин Л.И. Во имя возрождения и согласия.// Евроазия: народы, культуры и религии // Конгресс тюркских народов РФ. - М.: Зарубежная наука, 1995.-1996, 1-выпуск. – С.23-37.

<sup>1</sup> Читтик У.К. В поисках скрытого смысла. - М.: «Ладомир», 1995. - 49- бет.

7. Абдусамедов А. Диншунослик. Ўқув қўлланма. Т.: ЎзМУ, -2008. -Б.151.
8. Мўминов А. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик. - Т.: "Меҳнат", 2002, - Б. 6.
9. Роузентал Ф. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе. - М.: "Наука", 1978. - 37-б.
10. Ўтамуратов С. ва бошқалар. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Халқ мероси, -2002. –Б.96.
11. Бойназарова А.Б. Ислом фалсафасида диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги масаласи. Фалс. фан. ном. ... дисс. автореф. - Т.: Тошкент ислом университети, 2009. - 13-бет.
12. Фитрат. Нажот йўли. - Т.: Халқ мероси, 2001. - 33-бет.
13. Читтик У.К. В поисках скрытого смысла. - М.: «Ладомир», 1995.- 49- бет.
14. Зардуштийлик фалсафасида инсон маънавияти тавсифи. / "Фалсафа ва ҳуқуқ" журнали. Т.: 2015/2 (№6), 62-64 бетлар.
15. Зороастризм – философская культура узбеков. / "Новый Университет" № 3, 2015, Россия. 49-51 бетлар.
16. Толеранность – феномен духовной культуры. / «Вестник магистратуры» № 3, 2015, Россия. 60-62 бетлар.
17. Глобаллашув шароитида ижтимоий фанларни ўқитиш тизимини такомиллаштиришнинг зарурлиги. Ўзбекистонда хавфсизлик ва барқарорлик – тараққиёт таянчи мавзудаги Вазирлик миқёсида ўтказилган илмий мақолалар тўплами. Т.: 2017 йил 29 март. 196-199 бетлар.
18. Педагогика олий таълим муассасаларида "Диншунослик" фанини ўқитиш тизимини такомиллаштиришнинг самарали метод ва воситалари. Бошланғич таълим ва жисмоний маданият йўналишида сифат ва самарадорликни ошириш: муаммо ва ечимлар мавзудаги халқаро илмий конференция 2017 йил 25 май. 24-25 бетлар.
19. Technology of teaching to social studies. Молодёжь и наука - шаг к успеху. Сборник научных статей Всероссийской научной конференции перспективных разработок молодых ученых 23-24 марта 2017 года. Стр. 13-15.
20. Педагогика олий таълим муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари. - ТДПУ илмий ахборотлари № 1 (10)/2017 й. 211-214 бетлар.
21. Methods of teaching of studies. Norwegian journal of development of the international science. № 9, 2017 part 3. 54-55 бетлар.
22. Диншуносликни ўқитиш тизимини такомиллаштиришнинг талаба-ёшлар дунёқарашига таъсири муаммолари. "Диншуносликнинг долзарб муаммолари" мавзудаги ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2018 йил 7 апрель, 42-44 бетлар.
23. Ўзбек халқ педагогикаси ва шарқ мутафаккирлари таълимий ғояларида ижтимоий фанлар, диншуносликни ўқитишнинг педагогик хусусиятлари. "Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар" номли халқаро илмий конференция материаллари тўплами. - Т.: 2018 йил 27 апрель, 404-406 бетлар.
24. Peculiarities of Teaching Social Subjects at High Educational Pedagogical Organizations. Eastern European Scientific Journal. №2, 2018. 263-266 бетлар.
25. Диншунослик фанидан электрон дарслик. № DGU 03806. 25.05.2016.